# КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИК – УСТУВОР ЙЎНАЛИШИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танқид ўринли. Айни пайтда ўша минтақалар раҳбарлари марказий идораларда қолоқликка чек қўйиш бўйича муҳокамага чақирилдими? Агар бу борада ҳисоботлар эшитилган бўлса, тўсиқлар сабаблари аниқландими? Нега саноати ривожланган ҳудудларда ўрта ва кичик бизнесга кенг йўл очилмаган? Аниқланишича, умумиқтисодиёт мажмуида ҳар битта туман ва шаҳарлар бўйича истиқболли таҳлиллар қилинмаган, йил мобайнидаги ўзгаришлар ҳисобга олинмаган. Умум ишига тўсиқ бўлган раҳбарлар ишдан олинмаган, тафаккур доираси замон талабларига жавоб бермайдиган кадрлар номма-ном айтилмади. Масала равшан: эски замон асоратларидан қутулолмаган ходимлар орамизда бўлмаслиги керак. Нега ҳеч ким танқидий фикр айтиш ҳақида ўйламайди? Ахир ишларимиз ҳаммаси сип-силлиқ эмас-ку?

### Палатанинг ўрни қани?

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси **М. Собиров**га шундай савол қўйилди: Палата қайси мақсадда тузилган, агар вазифа тўғри тушунилган бўлса, қайси масалаларни қайта кўриб чиқиш керак? Бугунги кунда бирон кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун 7 та идорага мурожаат қилиш керак бўлса, 40 тага яқин ҳар хил ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинса, улардан 28 таси бир-бирини такрорлайдиган ҳужжатлар бўлса, нега Палата ўз тадбиркорларини ҳимоя қилиш учун бонг урмади? Палата раиси ҳамон бу борада андишага бораётганлигини тан олди. Лўнда қилиб айтганда, жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришда Палатанинг мавқеи катта бўлиши шарт. Бундай жойда курашувчан, ҳақиқат ва адолатни ҳар қандай ҳолда ҳам ҳимоя қиладиган, керак бўлса, жонини фидо қиладиган одам ишлаши керак. Жамоат ташкилоти ўз ўрнини эгаллаши учун курашсин. Амалда олам гулистондай. Шу сабабли танқидий чиқишлар, ҳатто оддий эътироз билдириш ҳақида матбуотда ҳам ёзилмаяпти.

### Мақсад фақат ҳисобот эмас

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси **А.Бобомирзаев** ўз сўзини 2001 йилда 20500 та фермер хўжалиги республика ғалла хирмонига 475000 тонна маҳсулот топширганлиги ҳақида ҳисоботдан бошлади. Нотиқдан аниқ таклиф ва мулоҳазалар талаб қилинди. Фермерларга узоқ муддатли кредит бериш масаласини ҳал этиш зарурлиги айтилди. Лекин тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муаммолар ечими тўғрисида кундалик фаолиятда изчил иш қилинмаган. Айни пайтда уюшма раиси микрокредитлар берилиши масаласи мамлакат миқёсида қандай амалга оширилаётганлиги хусусида аниқ маълумотга эга эмас. Ҳисобот учун эмас, ҳаёт учун ишлаш керак.

Кичик ва ўрта бизнес иқтисодиёт учун сув ва ҳаводай зарур. Дунё тажрибаси буни аллақачон исботлаган. Фақат Ўзбекистон шароитида миллатимиз менталитети, табиати, қадриятини ҳисобга олиб қандай жорий қилишимиз керак? Бу борада вилоят ҳокимларининг қай тарзда фикрлаши ниҳоятда муҳимдир. Шу маънода Навоий вилояти ҳокими **Ғ.Дилов** марказий идоралар ва жойлардаги раҳбарлар фаолиятини уйғунлаштириш ҳақида сўз юритди. Мажлис аҳли нотиқдан ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш юзасида мавжуд қийинчилик ва тўсиқлар ҳақида таклифларни кутганди. Сирдарё вилояти ҳокими **А.Исроилов** асосий муаммо сифатида кредитлар олиш ҳақида тўхталди. Шунингдек, четдан келтирилган маҳсулотга 20 фоизлик устамани бирдан тўлаш қийинчилик туғдираётганлиги айтилди. Сирдарё вилоятида кейинги даврда ўзгаришлар бўляпти, лекин жуда суст. Чўл шароитида оғир тупроқли майдонларни фермерларга топшириш, бу юмуш пухта ўйланган ҳолда амалга оширилиши керак. Аҳволни ўнглаш учун имкониятлар бор.

### Хусусий мулк — даҳлсиз

Тадбиркорлар ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бу ҳақда Президент нутқида алоҳида тўхталинди. Адлия вазири **А.Полвонзода**нинг айтишича, кейинги бир ярим йил мобайнида 448 нафар асоссиз судланган тадбиркор оқланди. Баъзи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида «Қанча кўп жиноий иш юритилса, ходим шунча яхши ишлайди» деган эски тушунча йўқолмаган. Бу тадбиркорлик йўлига тўсиқ бўляпти. Фақат жорий йилнинг олти ойида 761 мансабдор шахсга 115 миллион сўм миқдорида даъво аризалари киритилди. Кўпчилик ҳолларда улар жамоатчиликка ошкор бўлишдан хавотирланиб, тадбиркорга етказилган зарарни судгача қоплашмоқда ва иш келишув битими тузиш билан якунланмоқда. Хусусий мулк даҳлсизлиги кенг тарғиб қилиняпти. Тадбиркорларни ноқонуний текшириш ҳоллари кескин камаймоқда. Эндиликда ягона рўйхатга олиш идорасини ташкил этиш ҳақидаги таклиф рўёбга чиқарилса айни муддао бўлур эди.

Тадбиркорлар ҳимояси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилганлиги ижобий самара бераётгани шубҳасиз. Мақсад қонунни ҳимоя қилишдан иборат. Айни пайтда тизимда ишлаётган ходимлар бюрократлар сафига ўтиб қолмаслиги керак. Бунга йўл қўймаслик учун мутасадди ходимлар аттестациядан ўтказилиши зарур. Шу билан бирга тадбиркорни ҳимоя қилиш борасида суд идораларининг ўрни муносиб эмас.

Жойлардаги ҳокимликларнинг мададисиз кичик ва ўрта бизнес ривожланмаслиги турган гап. Мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, яхши ишлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш қанчалик муҳим эканлигини тушуниб етишнинг аҳамияти беқиёс. Муҳокама якунида Президент бу борадаги устувор вазифалар ҳақида тўхталди. Ҳокимларнинг иш фаолиятига тадбиркорликни қўллаб-қувватлашига, кичик ва ўрта бизнес улуши даражасига қараб баҳо берилади. Шунча гап-сўзлардан кейин ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмаслиги мумкинми?! Мажлис аҳли муҳокама қилинган масаланинг нақадар долзарб ва ҳаётийлигини ҳис қилди.

### Мажлисдаги кайфият халқ қалбига етсин

Эндиги вазифа ана шу мажлисда билдирилган фикрлар, хулоса ва сабоқлар, янги марралар сари интилиш туйғуси ҳар бир ўзбекистонлик қалбига етиб боришида. Бу кайфият халқимизнинг яратувчилик қудратини ошириши, яқинлашиб келаётган 10 йиллик тўйимизга тараддудни янада қиздириши даркор. Негаки, Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги бу — нафақат байрам, айни пайтда 10 йиллик ишларимиз ҳисобидир. Энди 10 йил олдинги давр билан таққосласак, халқимизнинг руҳи, тафаккури мутлақо ўзгарган. Чунки ўтган давр кўнглига эзгу ниятни тугиб, Яратгандан яхши нарсаларни сўраган инсон кам бўлмаслигини кўрсатди. Тарихан қисқа фурсат ёруғ ҳаётнинг қадрига етган, ўз ишидан рози бўлган кишиларга баракасини беришини амалда намоён этди. Бу улкан бунёдкорлик ишларида мард ва танти халқимизнинг жасоратига бутун жаҳон тан бериши муқаррар.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Икки хил манзара*



**Мухбиримиз тасвирга туширган ҳар иккала суратда бир хил буюмлар — харидорга тақдим этилаётган пойабзаллар акс эттирилган. Биринчиси — «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасига қарашли Бешёғочдаги фирма дўконида, иккинчиси эса Эски Жўва буюм бозоридаги савдо расталарида сотувга қўйилган пойабзаллар. Улар орасида тафовут борми?**

# ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НИМА ЕТСИН!

Бўлганда қандоқ. Мана, ўзингиз баҳо беринг: Тошкент, Қўқон шаҳарларида чиқарилаётган бежирим пойабзаллар харидоргирлиги жиҳатидан ҳамманинг ҳавасини келтиради. Нархи ҳам у қадар қиммат эмас: 7 минг сўмдан 13 минггача. Ўнг томондаги суратда акс эттирилган ялтироқ туфлилар олис Хитой мамлакатидан келтирилган. Баҳосини сўрасангиз 10 мингдан 20 минг сўмгача дейишади. Шу нархига яраша сифатли бўлса ҳам кошки: бир марта нам теккандан сўнг бу туфлилар яроқсиз ҳолга келади. Шундай қилиб, «Хорижникими — демак сифатли» деган эскича тасаввурлар Ўзбекистон саноатчиларининг саъй-ҳаракати туфайли чиппакка чиқмоқда.

Дунёнинг энг нозик дидли харидорига ҳам манзур бўладиган буюмлар юртимизда қанча кўпайса, шунча яхши. Ўзингдан чиққанига нима етсин!



**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Салкам бир ярим йил деганда, 1996 йилнинг 25 мартида завод конвейридан биринчи "Дамас" автомобили "чиқиб келди". Муқояса учун айтиш мумкинки, Россиянинг Толяттисидаги "Жигули" ишлаб чиқарадиган завод ўз вақтида 6 йил деганда қуриб битказилганди.

Эндигина беш ёшга кирган "ЎзДЭУавто" ишлаб чиқараётган "Нексия", "Тико", "Дамас"лари бугун нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёда, балки бутун Ҳамдўстлик мамлакатларида, бир қанча бошқа хорижий давлатларда ҳам машҳур бўлиб кетди. Жанубий Кореядаги "ДЭУ моторс" раҳбариятининг фикрича, "ЎзДЭУ" автомобил заводи компаниянинг хориждаги энг муваффақиятли лойиҳасидир. Ҳозиргача заводда 250 мингдан зиёд енгил автомобил ишлаб чиқарилган. Улардан 45 мингдан кўпроғи четга сотилган. Бу янги завод учун жуда фахрли кўрсаткич.

Автомобил саноати ҳам давлатнинг қудратини белгиловчи муҳим унсурлардан саналади. Спорт ва мусиқа каби автомобил ҳам мамлакат номини оламга ёяди. Немислар "Мерседес" ва "BMW"си билан, шведлар "Волво"си билан, италияликлар эса машҳур "Феррари"си билан қанчалик фахрланишини биламиз. Шу маънода, ўзбек автомобиллари ҳам манзилини тобора узайтираётгани қувонарли. 1999 йилнинг апрелида "ЎзДЭУавто" Латвия пойтахти Ригада ўз ваколатхонасини очди. Хитойда ҳам ўзбек автомобилларига харидорлар тобора кўпайиб бораётир. Мутахассисларнинг фикрича, кўп миллионли нуфузга эга Россия ва аҳолиси сони миллиарддан ошган Хитой Ўзбекистон автомобиллари учун яхшигина бозордир. Хусусан, Россияда кейинги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган "Нексия"ларга талаб сезиларли даражада ошган. Чунки ўзбек автомобили сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Россиянинг автоларини йўлда қолдириб кетяпти.

Ўзбекистон ўз автомобил саноатига эга бўлиб нима топди, деган саволга иқтисодчиларимизда жавоб бисёр. Иқтисодчи бўлмаган кўпчилик замондошларимиз ҳам бир мантиққа ишониши тайин: машина ҳам уй-жой ёки ер каби бир мулкдир. Мулки бор одам давлатлидир. Демакки, автомобил саноати ҳам Ўзбекистон мустақиллигини, фуқаролари фаровонлигини мустаҳкамловчи бир омил бўлгани шубҳасиз. Юрт аҳли ўзини мустақил санасаю унда на ишлаб чиқариш, на табиий ва на маънавий бойлик бўлмаса, бундай давлатнинг ҳоли не кечажагини тасаввур этиш қийин эмас. Бизда эса буларнинг барчаси мавжуд. Муҳими ҳар бир инсон ўз салоҳиятини тўғри баҳолаши ва юртимизда яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишида.

Илгари айтилган бўлса-да, бу гал ҳам бир мулоҳазани четлаб ўтиш қийин. Шўро замонида кимдир машина олмоқчи бўлса, неча йил навбатда турар, кимларгадир ялиниб ёлворар эди. Бугун эса озод Ўзбекистонда бутунлай ўзгача манзара: машина ўзимиздан чиқади, бозору дўконларда "Нексия" дейсизми, "Тико" ё "Дамас" дейсизми ярақлаб турибди, танласангиз бас!

Шу кунлари "ЎзДЭУавто" жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллик тўйига совға тариқасида янги русумдаги "Матиз" автомобили ишлаб чиқаришни йўлга қўяётгани яна бир қувонарли ҳолдир.

"ЎзДЭУавто" заводининг ишга туширилиши мамлакатимиз учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жабҳада улкан ўзгаришлар ясади. Биринчидан, завод барпо этилиши билан Ўзбекистонда автомобил қисмларини ишлаб чиқарувчи "ЎзСемюнг", "ЎзТонг Хонг", "ЎзКорам" каби янгидан-янги корхоналар иш бошлади. Иккинчидан эса, мамлакатдаги асосий ижтимоий масалалардан бири - аҳолини иш билан таъминлаш борасида катта натижаларга эришилди.

Айтиш мумкинки, "ЎзДЭУавто" Ўзбекистонда бутун бир автомобил саноатининг кенг миқёсда ривожланишига туртки бўлди. Жанубий Корея автомобилчилари билан аҳдлашувга эришилгандан сўнг кўп вақт ўтмай, туркияликлар ҳам Ўзбекистон билан автомобилсозликда ҳамкорлик қилишга қизиқиб қолди. Шу тариқа Туркия билан Самарқандда микроавтобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона яратиш тўғрисида битим имзоланди. Бугунги кунда "СамКочавто" заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ҳам юртдошларимиз оғирини енгил, олис манзилларини яқин қилаяпти. Завод ҳозир беш хил русумда автомобил ишлаб чиқараяпти.

Ватанимиз мустақиллигининг тонгида Президентимиз юртимизда автомобил заводи қуришдек эзгу орзуини айтиб, айримларни ҳайратга солган эди. Бугун эса бу орзу тўла ушалиб, Ўзбекистон автомобил саноати мамлакатимизнинг ўн йиллик мустақил тараққиётидаги катта ютуқларидан бирига айланганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

**Фарҳод АРЗИЕВ**
**(ЎзА).**

*«Абитуриент-2001»*

# БИЛИМ ЮРТИ — КОЛЛЕЖГА АЙЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги Й.Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт билим юрти кекса ўқув даргоҳлардан бири. Унинг бағридан етишиб чиққан минглаб ўрта малакали тиббиёт ходимлари ўн йиллар мобайнида Ватанимиздаги халқ саломатлиги муассасалари тизимида самарали меҳнат қилиб келди ва меҳнат қилмоқдалар.**

**Жорий йилда ушбу билим юрти касб-ҳунар коллежи сифатида иш бошлайди. Билим юрти ҳаётидаги бу ўзгариш муносабати билан биз ушбу ўқув даргоҳи директори Турсунхон Умаровага учрашдик ва суҳбатлашдик.**

— Мамлакатимизда таълим халқаро андозаларга ўтмоқда. Бизнинг билим юртимиз ҳам шундай даражага эришадиган вақт келди, — дейди Турсунхон Юсуповна. — Ўқув-таълим ишларини бундан кейин ана шундай янги таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари асосида қайтадан ташкил этамиз. Ўқув юртимизни аста-секин замонавий ўқув тарбия асбоб-ускуналари билан жиҳозлаб боряпмиз.

**— Билим юртининг коллежга айлантирилиши бу йилги қабул тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилишини тақоза этаётган бўлиши керак?**

— Худди шундай. Бу йил коллежимизга 525 нафар талаба қабул қилинади. Шундан 375 нафари ўрта умумий таълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларидан 1-босқич коллеж талабалари сифатида қабул қилинадилар. Қабул уч йўналишда олиб борилмоқда: аввало, ўқув муддати тўрт йил бўлган ҳамшира иши мутахассислигига, шунингдек, ўқув муддати уч йиллик бўлган яна икки соҳага — фармацевтика иши ва тиббий-профилактика иши йўналишларига. Бундан ташқари ҳамширалик иши ва фармацевтика йўналишларининг ҳар бирига 75 нафардан, умуман 150 нафар 11-синфни тамомлаган ёшлар қабул қилинади.

**— Қабул синовлари қай тарзда ташкил этилмоқда?**

— 9-синфни тамомлаб келган абитуриентлар суҳбат йўли билан қабул қилинадилар. Суҳбатда уларнинг соҳага қизиқиши, биология ва кимё фанларидан эгаллаган билим даражаларига алоҳида эътибор қилинади. 11-синф ўқувчилари тест синови орқали қабул қилинади.

**Суҳбатдош: М.САФАРОВ.**

# ЯНГИ АСР –

## ЎН ЙИЛ АВВАЛ ВА БУГУН

**«Ўзбекистонда мамлакат Президенти бошчилигида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш стратегияси ишлаб чиқилди. Ҳукумат томонидан ялпи ички маҳсулотни ўстириш орқали олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар ичида биринчилар қаторидан ўрин олиб, ўтмишдаги собиқ иттифоқ республикалари ичида ривожланиш йўлига жадал ўтиб олган мамлакатлардан бирига айланишига сабаб бўлди.**

**Умуман, ўзбек миллий моделида бозор иқтисодиётини амалга оширишга катта аҳамият берилиб, уни ижтимоий ёрдам дастурлари орқали бошқариш ва қўллаб-қувватлаб турувчи кучли ҳукуматга қарашли бўлган механизмлар яратилганлиги билан ажралиб туради».**

*(Профессор Ричард Помферт. Аделаида университети. Австралия).*

### БУРИЛИШ ПАЛЛАСИДА

Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Унга зарҳал ҳарфлар билан битилажак оламшумул воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-сиёсий, молиявий механизмларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этишдаги ўзгаришлар ўтиш даврини бошидан кечирган мамлакатларда юзлаб йилларда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистонда қисқа, атиги 10 йил муддат ичида эришилганини жаҳон жамоатчилиги тан олмоқда, дунё ҳамжамиятида катта нуфузга эга ташкилотлар ва шахслар эътироф этмоқда.

Таниқли иқтисодчи олимнинг фикрларини тўла идрок этмоқ учун кўз ўнгимизда рўй берган ва рўй бераётган воқеаларга бир назар солсак, ҳақиқат яна ойдинлашади.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида мамлакатимизда шарқона донишмандликка хос вазминлик ва Европача прагматизмни ўзида мужассам этган услуб қўлланилгани боис, Ўзбекистон ўз йўлини танлашда тараққий этган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини умумлаштириб, амалиётга татбиқ этишга эришди.

Дарҳақиқат, дарахтнинг барги тебраниши учун аввало шамол эсиши, унга сув, ҳаво, қуёш, тупроқ каби омилларнинг етарли бўлиши тақозо этилади.

Тоталитар тузум даврида марксизм-ленинизм вакиллари жамият тараққиётида шахснинг ролини ўзларича инкор этиб келди, тарих ғилдирагини керак пайтда зарур томонга йўналтиришга қодир бўлган улуғ инсонлар коммунистик мафкура томонидан тан олинмади...

80-йиллар ниҳоясида партократия мафкурачилари "СССР" номини олган улкан машинанинг бутун мурватлари эскириб бораётганини, эрта-индин бу машина ҳеч нарсага ярамай қолишини билишарди. Лекин улар ҳали-ҳозир бу машинадан воз кечишни хаёлларига келтирмас ва турли-туман найранглар билан бу ўлаётган механизмнинг ҳаракатини таъминлашга уринишарди.

Ижтимоий ҳаёт ва айниқса, иқтисодиёт таназзул ҳолатини бошидан кечираётган бир пайтда Ўзбекистон бошқарув тизимида Ислом Каримовга етакчи ўрин берилганлиги тасодифий эмасди. Таназзулга юз тутаётган иқтисодни нима қилиб бўлса ҳам, оёққа турғазиш учун мамлакатга кучли иқтисодчи раҳбар, кенг миқёсдаги тафаккурга эга бўлган ташкилотчи зарур эди. Бу масалада собиқ Марказнинг хулосага келиши осон бўлмагани аниқ. Боз устига Ислом Каримов Ўзбекистон молия вазири лавозимидалигидаёқ мустақил фикр эгаси эканини исботлаган эди. Шунга қарамай, улкан «машина»нинг бир бўлагини унга ишониб топширишга иккиланаётган эдилар, аммо этик тор келганда таваккал қилишди.

Ислом Каримов турли даражадаги раҳбарларнинг зуғум ва истеҳзоларига қарамай марказ олдига ўзбек халқи манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида турли талаб ва таклифлар қўйишдан чўчимади. Яна шу нарса ҳам аниқки, у йирик иқтисодчи ва истиқболни кўра биладиган сиёсий арбоб сифатида ўша даврлардаёқ бошқаруви ўта марказлашган ва мулк шакли ягона, яъни давлат мулки бўлган самарасиз иқтисодиётнинг ич-ичидан дарз кетаётганини, унинг истиқболи йўқлигини чуқур ҳис этар эди.

Бу ҳолат Ўзбекистон раҳбари қалбида иқтисодий ислоҳотлар қилиш йўлида исён уйғотар эди. Ўша даврлардаёқ иқтисодиётни рақобат манбаи бўлган кўп укладли мулкчилик асосида, ҳар бир меҳнаткаш фуқарода мулкка эгалик туйғусини шакллантириб ва мулкдорлик ҳислатини уйғотиш заминида меҳнат унуми ва маҳсулот самарадорлигини кўтариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, фермерлар, тадбиркорлар, акциядорлар, яъни жамиятнинг ўрта табақаларини яратиш ҳақида ўйлар эди ва ўз халқини дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги халқлар даражасида фаровон ҳаёт кечиришини орзу қилар эди.

### ИСЛОҲОТ ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС

Бинобарин, мустақиллик пойдеворига биринчи ғишт 1991 йилда эмас, балки 1989 йилнинг июнида, Ислом Каримов ўзбек халқи манфаатларини ҳимоя қилиш учун жон-жаҳди билан курашга отланганда қўйилган эди. Шулардан бири унинг аҳолига уй-жой қуриш ва томорқа бериш тўғрисидаги қарори бўлди. Бу қарор нафақат марказ томонидан, балки маҳаллий раҳбарлар томонидан ҳам қаттиқ қаршиликка учради, бироқ қатъиятли, иродали раҳбар ўз аҳдидан қайтмади. Тарихан биринчи ва энг адолатли қарор амалга ошди.

Бу қарор билан уч қиррали, бир бутун масала ҳал этилди: *биринчидан,* аҳолининг томорқа ҳисобига даромад олиш манбалари кенгайди; *иккинчидан,* ўта кескин тус олган ижтимоий муаммо — уй-жой қуриш масаласи юмшатилди; *учинчидан*, ортиқча ишчи кучи иш билан банд этилди.

Қарорда қўйилган вазифалар ҳукуматнинг қатъий назорати остида амалга оширила бошланди, яъни уй-жой қурувчи оилаларга узоқ муддатли ссуда ва кредитлар берилиши давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Бунинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, аҳоли ўз уй-жой шароитини яхшилаш билан бирга, шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирадиган ноз-неъматлари ҳажмини ҳам кўпайтириш имконига эга бўлди. Ўшанда қисқа вақт ичида оилаларга 183 минг гектардан ортиқ ер участкалари ажратилди.

Президент Фармони билан яна қўшимча 108,5 минг гектар ер ажратилиб, аҳолига берилган умумий ер майдони 516 минг гектардан ошиб кетади.

Албатта ер участкаларини ажратиш улардан унумли фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини тақозо этар эди. Шу мақсадда 1991 йил 18 март куни чиққан «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси моддий техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги Президент Фармони тарихий рол ўйнади.

Кўрилган чора-тадбирлар бозор иқтисодиётига ўтишга дастлабки тайёргарлик эди. Бозор иқтисодиётига зудлик билан, тайёргарликсиз ўтиш, яъни «карахт қилиб даволаш» мураккаб демографик шароитда, ижтимоий зиддиятларни кескинлаштириб юбориши мумкин эди.

Ўзбекистонда Ислом Каримов раҳбарлигида мана шундай ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб инқилобий эмас, балки босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиладиган тадрижий йўл танланди. Чунки ислоҳотлар, коммунистлар даврида бўлгани каби, пировард натижада қуруқ ислоҳотлар учун эмас, балки инсонлар учун, улар ҳаётини яхшилашни кўзда тутарди.

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁГА ЮЗ КЎРСАТИШИ

Ўзбекистон ўз мустақил йўлини танлаб олган бўлса-да, ҳали марказга боғлиқ ришталар тўла-тўкис узиб ташланмаган эди. Барча соҳа ва тармоқларнинг чалкашиб, «тугун» ҳосил қилган ришталарини битта-биттадан ажратиб олиш, тугуннинг ечимини топиш лозим эди. Ўша пайтларда марказ Ўзбекистонга нисбатан ноэквивалент айирбошлаш сиёсатини юрғизарди. Ўзбекистонда етиштирилган пахта толаси марказ томонидан сув текинга, яъни жаҳон бозорига солиштирганда 20-25 баробар паст харид нархларида олиб кетилар эди. Шунга қарамасдан, у ҳам тўла берилмас, берилган қисми ҳам пайсалга солинар эди.

Масалан, 1991 йилга келиб марказ билан Ўзбекистондаги хўжаликлар ўртасида ноэквивалент айирбошлаш натижасида вужудга келган, муддати ўтиб кетган қарзлар биргина «Ўзагросаноатбанк» тизимида 3,9 млрд. рублни, яъни ўша давр учун жуда катта рақамни ташкил этар эди. Бу қолдиқлар на ички қарзга олинар, на ёпилар эди. Натижада ўша даврдаги колхоз ва совхозлар яна пахта экиш, уни етиштириш учун айланма маблағларининг йўқлиги сабабли яна банкдан қарз олишга мажбур бўларди. Қарзлар қор уюми каби йиғилиб, «Ўзагросаноатбанк» гарданига тушар эди.

Булар учун ўз навбатида устама фоизлари тўланиб, охир-оқибат иқтисодиётга зарар етказилар, яъни реал секторга йўналтирилаётган кредитлар ҳажми сурункали камайиб борар эди.

Албатта, мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий банк тизимимиз бундай ҳолатларнинг пайдо бўлишига умуман барҳам берди.

Ноэквивалент нарх-наво сиёсати фақат пахта тайёрлаш соҳасидагина эмас, балки бошқа маҳсулотлар харид нархларида ҳам мавжуд эди. Масалан, 1990 йил 1 январда марказ Ўзбекистон агросаноат банкига қорамол ва парранда харид нархларини оширгани сабабли вужудга келган тафовутни қоплаш учун 800 млн. рубл **қарз эди.**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган номутаносиб нарх-наво бюджет тизимига салбий таъсир кўрсатарди. Масалан, 1990 йил енгил саноат учун пахта етиштирувчи хўжаликларга харид нархларидаги тафовутни қоплаш мақсадида «Ўзагросаноатбанк» томонидан 2,3 млрд. рубл кредит ажратилиши ва бу кейинчалик марказ томонидан қопланиши керак эди. Аслида эса иттифоқ бюджетидан республика бюджетига фақат 1,3 млрд. рубл ажратилди. Натижада, республика бюджети банк олдида енгил саноат учун тайёрланган қишлоқ хўжалик хомашёси нархидаги тафовутни қоплаш учун 1,1 млрд. рубл қарз бўлиб қолди. Ўша даврларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштиришга, тарихий ёдгорликларимизни таъмирлашга бюджетдан пул ажратилмас эди.

Умуман, маҳаллий бюджетнинг шаклланиши ҳеч қандай мантиққа тўғри келмас эди. Масалан, оддий бир мисол, лоторея, заём ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қоғозлардан тушган даромад иттифоқ бюджетига ўтказиб юборилар, уларга кетган харажатлар эса маҳаллий бюджетдан қопланар эди.

Буларнинг ҳаммаси пировард натижада бюджет барқарорлигига салбий таъсир кўрсатар ва Ўзбекистон давлат бюджетининг камомади 60 фоиздан ошиб кетишига сабаб бўлди. Бошқарув тизимида пароканадалик ҳукм сурар, пул тизими ва молиявий маблағларни ишлатишда тартиб-интизом бўшашгани боис оддий меҳнаткаш бошига катта кулфатлар тушишидан

Қатра

# Ўғлон йиғламайди



Ҳар-ҳар замонда ота болалари ўқиётган мактабга болаларини кўргани келади. Йўқ, соғинганидан эмас, улардан... пул сўраб олгани келади.

Ота — давангирдай одам. Ўттиз бешга кирган. Йигирма уч ёшига қадар давраларнинг чангини чиқариб олишган полвон бўлган. Лотерея билетига «Жигули» машинасини ютган. Ошналари унга, «Сен «Ўткан кунлар»даги Отабекка ўхшайсан», дердилар. Кўзлари катта-катта, қошлари ингичкадан келган, қоп-қора, дағалроқ сочлари кенг пешонасига ажиб бир хушрўйлик билан тушиб турадиган сухсурдай йигит эди-да, ўзиям.

Бугунги юриши бошқача унинг: қадди букик. Елкақўллари шалвираган. Қадамлари оғир. Рангида ранг йўқ. Кийимлари — исқирт. Қайси бир йили у каттакон машинага пиёзми, караммми юклаб, Россияга жўнади. Не сабаблар билан бир йилгача ўша ёқда қолиб кетди. Ўша ёқдан у шу ҳолга тушиб, банги бўлиб қайтди.

Олдинига «Жигули»сини сотди. Сўнг гилам-кўрпачаларини, кейин челак, қошиқларини хотинидан ўғринча сота бошлади. Бир жазаваси тутганда, сариқ касалига чалинган хотинининг биқинига бир мушт туширган эди, шўрлик ўлди-қўйди.

Мой заводида ишлайдиган почча қайнсинглисидан қолган уч қоракўзни — икки қиз ва бир ўғилчани қарамоғига олди — уйига олиб кетди.

Ўғлонча, бешинчи синфда ўқиётган Дилшод отасини бир яхши кўради... Отасига эргашиб уйларига кетгиси келади. Лекин... уйлари йўқ уларнинг. Отаси уйни ҳам сотганини эшитган. Шундай бўлсаям, отамга эргашиб юрсам, деб ўйлайди у. Отасига эргашиб узоқ-узоқларга кетгиси келаверади. Шу истагимни англармикин, деб Дилшод отасининг кўзларига термулаверади.

Йўқ, лаблари гезариб, кўзлари шилпиқланиб турган отаси унга қарамайди. Носга пул бер, дейди. Дилшод, пулим йўқ, деса, отаси ижирғанади. Курткангни ечиб бер, кун исиб қолди-ку, дейди.

Дилшод, тезроқ кетмасам, курткамни устимдан ечиб олади, деб қўрқади. Уйга борганидан сўнг поччасининг, курткангни отангга бериб юборибсанда, деб айтадиган гапидан қўрқади. Поччаси қорни қопдай бўлгани билан яхши одам. Ўзининг болаларига бир сўм берса, Дилшодга, унинг опаларига икки сўм пул беради. Жеркиб гапирмайди. Лекин... Дилшод поччасининг бўйнига осила олмайди. Эркаланаолмайди. Поччасидан олган пулни отасига беролмайди... Эргашиб кетайин деса, отаси унинг устидаги чиройли курткасини ечиб, сотиб юборишидан қўрқади.

Муштаккина Дилшод ердан кўзини олмай, отасидан узоқлашади. Курткамни ё отамга ечиб берсамми, деб ўйлайди-ю, поччаси кўз олдига келади. Ўпкаси тўлиб кетади. Мактаб ҳовлисининг хурмо дарахтлари қуюқ ўсган боғига ўтади. Хўрсинади. Йиғлайди. Хўрсинади. Йиғлайди. Бир пайт унинг ҳузурида саккизинчи синфда ўқийдиган Нигина исмли опаси пайдо бўлади. Дилшоднинг елкасидан тутади. Унинг юз-кўзларини жўякнинг суви билан ювади. «Ўғил болasan-ку, йиғлама. Сен йиғлоқи чиқсанг, биз қаёққа борамиз?» дейди.

Дилшод чуқу-ур хўрсинади. Лекин йиғламайди. Бир-бирларига улар киприк қоқмай қараб қоладилар.

**Олимжон УСАНОВ.**

# ЁШ ИЖОДКОРЛАР ГУРУНГИ

Бундан беш йил муқаддам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Зомин мактаби"ни ташкил этган эди. Ўтган вақт мобайнида Гулжамол Асқарова, Бобур Бобомурод, Нодир Жонузоқ, Санобар Меҳмонова сингари ўнлаб қаламкашлар кашф этилди.

Куни кеча мазкур вилоятнинг сўлим "Сангзор" дам олиш масканида Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ёш қаламкашларнинг анъанавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда серқуёш диёримизнинг турли гўшаларидан келган эллик нафардан ортиқ ёш ижодкор қатнашди.

ЎзА мухбири Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовдан умидли ижодкорларнинг бу галги гурунги қандай ўтгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

- Уч кун давом этган мушоира ўзига хос шеърият байрамига айланди,- дейди Ж. Жабборов. - Сангзор дарёси соҳилларида, азим чинорлар соясида шеърхонлик авжига минди. Мушоирада ёш шоирларнинг ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, мустақиллик, халқимиз бунёдкорлигидан фахрланиш ҳис-туйғуларига йўғрилган шеърлари янгради.

Айниқса, қорақалпоқ юртининг вакиласи Нилуфар Сафоева, сурхондарёлик Шодмонқул Саломов, андижонлик Дилором Солиева, бухоролик Шодмон Сулаймоннинг шеърларидаги келажак ҳақидаги ўй-хаёллар, бокира кечинмалар, жозибали оҳанглар гурунг иштирокчиларини ўзига ром этди.

Бу йил ёш ижодкорлар "Зомин мактаби"да бешинчи бор йиғилди. Шу муносабат билан семинарларимизда ижоди юқори баҳо олган қаламкашларнинг машқларини алоҳида китоб шаклида нашр этишга қарор қилинди. Бу ёш ижодкорларнинг Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига ўзига хос туҳфаси бўлади.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

UZBEKISTAN TURKISH BANK

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ «UT-BANK»НИНГ

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ

Ўрта ва кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш мақсадида кам фоизли расмийлаштириш тартиби соддалаштирилган шаклда қисқа ва узоқ муддатли кредитларни олишга бизнес режаси пухта бўлган тадбиркорларни таклиф этади.







Маълумот учун телефонлар: 173-83-27, 173-83-24.

МАНЗИЛ:
Тошкент ш., Халқлар дўстлиги к., 15/В уй.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

дарак берарди. Президент бу оғир вазиятлар устида муттасил ўйламаслиги, ташвишга тушмаслиги мумкин эмасди.

Ўзбек халқининг бахтига Ислом Каримов иқтисодчи, молиявий тизимнинг бошқарув сир-асрорларидан тўлиқ хабардор раҳбар эди. Унинг жонкуярлиги ва қатъиятлилиги боис жуда катта молиявий хавфнинг олди олиб қолинди. 1991 йилда Павлов «модели» бўйича 50 ва 100 талик рублларни уч кунда янгисига алмаштириш режаси ўта қалтис молиявий ўйин эди. Бу «ўйин»нинг мазмун-моҳиятини яхши англаган Ўзбекистон раҳбари ўз халқининг моддий бойликларини асраш учун, айниқса пешона тери тўкиб кундалик эҳтиёжлар учун озгина маблағ орттирган чўпон, деҳқон ва узоқ тоғли ҳудудларда ишловчи кончилар ғамини еб, бу алмаштиришнинг муддати фақат Ўзбекистондагина анча кунга узайтирилганди.

Мустақилликнинг илк йилларида бизнинг банк-молия тизимимизга ҳам, «чечен авизовкалари», «МММ пирамидалари» каби унсурлар хуружи бошланди. Айниқса «рубль зонаси»даги парокандалик ундаги режасиз, мантиқсиз хатти-ҳаракатлар молия-банк тизимига жудда катта салбий таъсир кўрсатишини олдиндан кўра олган Юртбошимиз Ўзбекистон пул-молия тизимини бу офатлардан сақлаб қолиш режасини ишлаб чиқди. Биринчи босқичда парчаланиб кетиши муқаррар «рубль»дан сўм-купонга ўтиш ва шу чора орқали мамлакат ички бозорини муҳофаза қилиш ва ундан кейин иккинчи босқичда ўз миллий пулимизни киритиш тадбири амалга оширилди. Мана шундай мураккаб жараёнда иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар, умуман давлат мажбуриятидаги барча тўловлар ўз вақтида тўлаб борилди ва мамлакат ижтимоий тизимининг мўътадил ишлаб туриши учун шароит яратилди, миллий хавфсизлик сақлаб қолинди. Мустақил молия-банк тизимини шакллантириш жуда мураккаб, қалтис бир жараённи босиб ўтди. Масалан, «Агросаноат банк» Иттифоқ банки ихтиёрида бўлиб, барча молиявий ҳаракатларнинг тизгини марказда эди. Марказ янги бозор иқтисодиёти баҳонасида бу тизгинни янада мустаҳкамлаш учун бизга хуруж қила бошлади. Ўша даврда Иттифоқдаги «Агросаноатбанк» Ўзбекистон Агробанкини Акционерлик асосида қайта тикланаётган марказий Агросаноат банкнинг бир тизимига айлантириш учун зўр берди. Лекин, Ислом Абдуғаниевич Каримов қатъият кўрсатиб бу ҳуружни бартараф этди, суверен Ўзбекистон Агросаноат банкига ва у орқали бутун мамлакатнинг мустақил банк тизимига асос солди.

Бошқа бир мисолга мурожаат этсак, бу ҳозирги Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкининг барпо этилиш жараёнидир. 90- йилларда Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ Ташқи иқтисодий алоқалар банкининг кичкинагина бир филиали бор эди, холос. Мазкур филиал фаолияти ҳисобот бухгалтериясини эслатар эди. Президент саъй-ҳаракати билан мана шундай бир вазият Ўзбекистон тарихида илк бор Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар банкига асос солинди. Мана, орадан 10 йил ўтди. Миллий банк ҳозир дунёнинг кўзга кўринган ишончли банкларидан бирига айланди. Ҳозир бу банк орқали дунёнинг исталган жойига бир неча дақиқа ичида хоҳлаган миқдорда пул ўтказиш ва мамлакатимизга олиб келиш операцияларини амалга ошириш мумкин.

Мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий сиёсат натижалари қандай бўлди, деган ҳақли савол туғилади.

Мамлакатнинг дастлабки қадамларига назар ташлар эканмиз, Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қийин шароитларда бошлашга тўғри келганини кўрамиз. 1991 йилда мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, бошқа республикалар каби янги шароитларда иқтисодиётни ривожлантиришнинг бошланғич даврида катта молиявий, иқтисодий қийинчиликларга дуч келди. Ўзбекистон бир тарафдан арзон ва юқори сифатли рангли металл, минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етказиб беришга ихтисослаштирилган бўлса, иккинчи томондан эса, бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур меҳнат қуроллари — замонавий техника етишмасди.

Масалан, 80-йилларда Ўзбекистондан пахта ва рангли металларни сотиб олиш, олиб чиқиб кетишга бўлган нархлар шунчалик паст эдики, улар ҳатто ишлаб чиқаришга кетган ҳаражатларни ҳам қопламас, республика бюджетига зарур бўлган маблағлар келиб тушмас эди. Ўзбекистон маҳсулотлари экспортидан келган фойда иттифоқ бюджетига тушиши сабабли вазият тобора қийинлашиб бораётганди. Бошқа тарафдан, Ўзбекистон иттифоқдаги республикалардан рақобатбардошсиз тайёр маҳсулотлар келиб тушадиган бозорга айланган эди. Республикага нафақат жиҳозлар, технологиялар, балки турмуш учун зарур бўлган буғдой, гўшт, қанд, туз ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ҳам четдан олиб келинарди. Таажжубки, бу маҳсулотларни республикада ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд эди. Натижада, Ўзбекистон Собиқ Иттифоқнинг фақат бир ёки икки республикаси билан ижобий савдо баланси сальдосига эга эди. Бунинг асосий сабаби ўзбек халқи томонидан яратилган миллий бойлик марказга олиб кетилиб қайта тақсимланар ва марказ «мурувват» тариқасида унинг бир қисмини Ўзбекистонга ажратар эди.

Авваламбор, шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонда стратегик муҳим аҳамиятга эга (ЁЭК, енгил саноат, машинасозлик, металлургия, кимё, дон етиштириш) иқтисодиёт тармоқларини барқарорлаштириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди ва бу борада фаол давлат сиёсатини ўтказиш эвазига мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга эришилди. Агар Ўзбекистоннинг ўзини-ўзи нефть билан таъминлаши 1990 йилда атиги 28 фоизни ташкил этган бўлса (бунда 72 фоиз нефтни импортдан олишга мажбур бўлар эдик), 1995 йилга келиб бу кўрсаткич амалда нефтни импорт қилиш тугатилиб, экспорт ҳажми 3 баробар ўсишига эришилди. Бунга ўхшаган мисолларни ўнлаб келтириш мумкин.

## ҚОНУНЧИЛИК ҚИРРАЛАРИ

Мустақиллик арафасидаёқ бошланиб, йил сайин жадаллаб борган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш жамиятимиз олдида турган биринчи навбатдаги долзарб масала эди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда жаҳон парламентризми анъаналарини мамлакатимиз қонун чиқарувчи орган фаолиятида ҳам ўз аксини топди ва улар қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, Парламент томонидан Ўзбекистонда жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Масалан, Бюджет тизими тўғрисидаги қонун асосида бюджет тизими фаолиятини назорат қилишни Парламент олиб боради. Бюджет маблағлари тақсимланиши, унинг қай тартибда йўналтирилаётганлиги тўғрисида ҳар сессияда Олий Мажлисга ҳисобот берилади. Бутун фаолият жараёнида юзага келган масалалар сессиягача бўлган жараёнда қўмита ишчи-гуруҳлари томонидан кенг ва атрофлича муҳокамадан ўтказилади, уларда сиёсий партиялар, фракция ва блоклар вакиллари қатнашади ва уларнинг чиқарган хулосалари сессияда депутатлар муҳокамасига қўйилади ва шундан сўнггина қарор қабул қилинади.

Иккинчидан, Жахон парламентаризмининг яна бир муҳим хусусияти — парламент назорат тизими шаклланди. Қабул қилинган ўнлаб иқтисодиётга оид қонунлар, шу жумладан «Солиқ кодекси», «Божхона кодекси», «Марказий банк тўғрисида»ги ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини Парламент доимо назорат қилиб боради ва аниқ таклифлар, чора-тадбирлар белгилайди. Бу эса ўз навбатида мустақиллик йилларида ижроия ҳокимият билан қонун чиқарувчи орган ўртасида ваколат доирасида самарали ишлаш механизми яратилганидан далолат беради.

Учинчидан, Ҳозирги кунда жаҳоннинг нуфузли молиявий ташкилотлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Жаҳон банки, халқаро Молия фонди, халқаро Валюта фонди, Европа, Осиё тараққиёт ва тикланиш банклари билан бўлган муносабатлар мустаҳкамланиб, тобора ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда икки босқичли миллий банк тизими яратилиб, ҳозирги кунда 38 та банк ўзининг 800 дан ортиқ филиали билан биргаликда мамлакатнинг ҳамма минтақаларида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари мамлакатимизда «Чейз Манхэттен банк» (АҚШ), Абн Амробанк (Голландия), «Дойчебанк», «Дрезднербанк», «Коммерцбанк» ва «Банкгезельшафт» Берлин АГ (Германия), «Креди Свисс» банк (Швейцария), «Креди Коммерсиаль де Франс» банки, «Сосьете Женераль» банки ва «Насьонал де Пари» банки (Франция), «Мейбанк» (Малайзия), «Российский кредит» банки (Россия Федерацияси) каби чет эл банклари ҳам ишламоқда.

Чет эл электрон тўлов тизимларига чиқа оладиган ва бутун мамлакатимиз бўйлаб тўлов ўтишини таъминловчи замонавий электрон тизими шакллантирилди. Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, ҳисоб-китобнинг халқаро стандартларига ўтишни амалга оширди. Халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берувчи бухгалтерлик ҳисоб-китобларининг янги йўналишлари йўлга қўйилди.

Тўртинчидан, Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг зарур ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи ва қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этишда жамоатчилик номояндаларининг аҳамияти беқиёсдир. Бунда депутатларнинг ўз сайловчилари билан мулоқоти, уларнинг дард-ҳасратларига қулоқ солиши, тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш ва қонун матнига киритиш зарурдир.

Шу ўринда яратилган яна бир ижобий тажрибани айтиб ўтмоқ зарур, гап қонун ғояси пайдо бўлишидан бошлаб, уни тайёрлаш, умумхалқ муҳокамасига қўйиш, қабул қилиш ва татбиқ этишда кенг халқ оммасининг бевосита иштирок этиши ҳақида бормоқда. Мисол учун, Олий Мажлисининнг охирги сессиясида қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кенг умумхалқ мухкамасидан ўтди. Лойиҳа бўйича вазирликлар, идоралар, ўқув ва илмий муассасалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан, шу жумладан, оддий фуқаролардан 500 дан зиёд таклифлар олинди ва лойиҳага 90 га яқин ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Хуллас, Ўзбекистон жуда қисқа вақт давомида мисли кўрилмаган, дунё тажрибасида ҳали қайд этилмаган ўзгаришларни амалга оширишга эришди. Тараққиёт йўлига чиқиб олган мамлакатнинг парвозини таъминловчи беш тамойил асосига қурилган ҳуқуқий, қонуний мезонлар уни яқин келажакда дунёнинг ривожланган давлатларидан бирига айлантиришига шак-шубҳа йўқ.

**Абдурафиқ АҲАДОВ**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

2001 ЙИЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ДОКТОРАНТУРАГА:**
педиатрия (1), травматология ва ортопедия (1), ижтимоий гигиена (1), болалар жарроҳлиги (1).

**АСПИРАНТУРАГА:**
қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (1), педиатрия (2), юқумли касалликлар (1), асаб касалликлари (1), травматология ва ортопедия (1), жарроҳлик (1), ижтимоий гигиена (2), болалар жарроҳлиги (2), анестезиология ва реаниматология (1).

**КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА:**
эндокринология (2), қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (2), болалар кўз касалликлари (3), неонатология (3), болалар асаб касалликлари (2), болалар тери касалликлари (3), болалар онкологияси (2), психиатрия (2), травматология ва ортопедия (2), суд тиббиёти (2), фтизиатрия (2).

КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- *ариза;*
- *шахсий варақа, фотосурат билан;*
- *тавсиянома;*
- *таржимаи ҳол;*
- *диплом нусхаси, дипломга илова;*
- *интернатура ўтаганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;*
- *паспорт, ҳарбий ҳужжат, меҳнат дафтарчасининг нусхаси;*
- *чоп этилган илмий мақолалар рўйхати (ихтисос бўйича реферат).*

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2001 йил 1 августгача.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700014, Тошкент ш., Ж.Обидова кўчаси, 223-уй, тел. 162-34-03.

4488

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманининг «Сатурн халқаси» масъулияти чекланган жамияти ОКПО коди 16 932852 тугатилади.

Даъволар Тошкент ш., Юнусобод тумани, 13-мавзе, Аҳмад Дониш кўчаси, савдо қаторидаги «Барно» қаҳвахонаси биносида, икки ой мобайнида қабул қилинади.

Спорт



**Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий курашимиз тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шу боисдан уни авайлаб-асраш, келажак авлодга янги талқинда етказиш ниҳоятда муҳимдир. Белбоғли кураш бугунги кунда кенг оммалашмоқда. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг сўнгги пайтларда миллий курашни ривожлантириш тўғрисидаги қатор фармонлари бу соҳани янада юксалтиришга туртки бўлмоқда.**

# БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

## ҳам дунёга чиқажак

— 1996 йилнинг 15-18 август кунлари Андижон шаҳрида бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хотирасига бағишлаб белбоғли кураш бўйича I-халқаро турнир бўлиб ўтди,— дейди истеъдодли мураббий Р. Исоқов.—Бу мусобақа кўплаб курашчиларимизнинг янги-янги марралар сари интилишларида муҳим омил бўлди. Орадан кўп ўтмай, Наманган вилояти ҳокимининг соврини учун, Фарғона шаҳрида Бурҳониддин Марғиноний хотираси учун, сўнгра Тошкент вилоятининг Паркент туманида ва Тошкент шаҳрида мазкур кураш тури бўйича бир қатор турнирлар ўтказилдики, уларда полвонларимиз янги чўққилар сари интилибгина қолмай, яхшигина тажриба тўплаш имконига ҳам эга бўлишди.

Табиийки, полвонларимизнинг тинимсиз олиб борган машғулотлари ва мусобақаларда тўплаган тажрибалари шу йилнинг 31 майидан 2 июнгача Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида белбоғли кураш бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирга чорлади. Мазкур турнирда 14 та жамоадан юздан ортиқ полвон куч синашди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси 2-ўринни эгаллади. Жамоа вакилларидан Шуҳрат Исоқов олтин, Умар Маҳаматов кумуш, Олимбек Пайзуллаев бронза медалларини қўлга киритишди.

Ушбу турнирнинг аҳамиятли томони шундаки, унда илк маротаба белбоғли курашнинг ягона қоидаси россиялик мутахассислар томонидан тан олинди. Эндиликда Марказий Осиё республикалари ҳамда Ҳамдўстликка кирувчи бир қатор давлатларда, кейинчалик эса бу анъанани Хитой, Монголия, Корея, Япония, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Франция сингари қатор мамлакатларда давом эттириш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

**З. ЗАЙНИДДИНОВ,**
**журналист.**

**Суратда: Р.Исоқов (чапдан иккинчи) ўз шогирдлари билан (Уфа).**

Абдулла АКБАРОВ:

# «ҚУЛМАГАН ОДАМНИ КЎРМАСАМ ДЕЙМАН»



**— Абдулла ака, бугунги қизиқчилигимиз тўғрисида андак суҳбат қурсак, дегандим.**

— Жуда маъқул. Мен оддий деҳқоннинг ўғлиман. Отамиз бодринг экиб, узум етиштириб юрган инсонлар. Қўшимча касблари тўйларда нон ёпишарди. Ўз ўзидан укам Аҳмадали билан уларга ёрдамчи эдик. Бир тўйга Муҳиддин қизиқ Дарвешов келиб қолди. Шу пайтгача у кишини кўрмагандим. Тўйхонани шунақа олиб бориб, олиб келишди... Қизиқчиликка бўлган ишқ шунда тушди, кўнгилга. Муҳиддин аканинг ҳангомаларини тўй борми, кенгаш борми, тўртта одам тўпланган жой борми айтавердим. Қарасам, одамлар куляпти! Бир иккита янги нарса ижод қиловдим, унгаям кулишди. Шундан кейин жиддийроқ шуғулланмасам бўлмайди шекилли деб, қизиқчиликка бошим билан шўнғиб кетдим-да!

**— Қизиқчиликка қизиқиш болаликдан бошланган экан, нега унда химия-биология факультетига ўқишга кирдингиз?**

— Устозимиз Муҳиддин ака ҳам қишлоқ хўжалик техникумини тамомлагандилар-да! Отамнинг таниши химия-биология факультетида экан, биз ҳам ўқиб қўяверганмиз.

**— 1989 йилда қизиқчилар кўрик танловида ғолиб бўлган экансиз-у, аммо иккинчи ўринни беришган экан, ўшанда «таниш-билишизм» ўртага тушганмиди?**

— Йўқ, йўқ. Унчаликка бормаган! Обиджон, Мирзабек, Ботирлар билан бирга қатнашгандик. Ўша пайтларда пахтага дори сепадиган самолётлар бўларди. Ўшалар ҳақидаги ҳангомамни айтиб юборибман: «Армияда солдатларга противогаз тарқатишибди, «Кийиб олинглар, ҳозир заҳарли модда сепилади», дейишибди. Иккита шоввоз киймасдан кетаётганмиш-да! «Кий! Заҳар, ўласан!» деса командир, шоввозлардан бири, «Заҳар бизга таъсир қилмайди!» дебди. «Нега таъсир қилмайди?» деб сўрашса, «Биз Ўзбекистонданмиз!» дермиш шоввоз». Ҳангома тугаганди, зал ўрнидан туриб кетди. Жўшиб кетиб, «Ўзбекистон, қарзинг кўпмиш Московдан» деган шеър бўларди ўшани ўқиб юборибман! Олқишлар остида саҳнадан тушиб келсам, кўз ойнак таққан иккитаси қўлимдан етаклаб битта хонага олиб кириб кетди! «Иттифоққа қаршимисан? Нимага бунақа шеърлар ўқийсан?» деб савол-жавоб бошлаб юборишди. Хуллас, мен иккинчи ўрин билан кифояландим.

Устозимиз Муҳиддин ака битта значок ҳам ололмасдан ўтиб кетишганди. Бугунги кунда ўн бешга яқин қизиқчи-аскиячиларга ҳукуматимизнинг юксак унвонлари топширилди! Буларга қувонмай бўладими?

**— Муҳиддин ака, «Ҳали менинг шогирдларимдан бутун бошли армия пайдо бўлади», дердилар. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда қизиқчиларнинг армияси юзага келгандай. Аммо «аскар»ларнинг ижоди...**

— Яхши бўлмаяпти. Масалан, ўзимдан ҳам ўзимнинг кўнглим тўлмаяпти. «Хизматдошларим» кулдиришнинг осон йўлига ўтиб кетишяпти. «Нима дейман? Халқнинг дарди нима ҳозир?» деган саволларни ўйлаб кўришса яхши бўлармиди.

**— Энди биронта қизиғидан...**

*— Банкка ўғрилар бостириб киришибди. Ўғрибоши қатор бошидан турган аёлдан сўрабди:*

*Исминг нима?*

*— Шарофат, жавоб берибди аёл.*

*— Ў! Мени онамнинг исми ҳам Шарофат, шунинг учун сенга тегмайман, деб ўғри аёл ёнида турган йигитга мурожаат қилибди:*

*— Сеники-чи?*

*— Мени исмим ўзи Марайим. Аммо ўртоқларим ҳазиллашиб Шарофат деб чақиришади! — дермиш «йигит».*

**— Бор экансиз-ку!**

— Борман! Кулиб турадиган одам бўлса бўлди бизга. Битта нарса эсимга тушиб кетди. Жиззахда раҳматли Охунжон Мадалиев билан концерт ўтказяпмиз. Энди ўша куни худо илҳом бериб қолган эканми, бир олдим, бир олдим. Ўзим ҳам маза қиляпман. Аммо бир одам хўмрайиб ўтирибди-да! Кулаётганларга ҳам хўмрайиб қараб қўяди. Қўлини олиб сўрашдим! Куляпти вей! «Ҳали нега кулмадингиз?» деб сўрасам, бирдан жиддийлашди. «Жиззахлик биродарлар, кулинглар, дам олинглар!» дедингиз-да, — деди. «Ҳа, кулавермайсизми?» десам, «Ман хоразмликман, акаси, ман хоразмликман!» дейди. Хуллас, кулмаган одамни кўрмасам дейман! Кулсин, яйрасин, яшнасин, тўйлар қилсин, хизматларига камарбастамиз!

**Суҳбатдош Саид АНВАР.**




— Биродар, сиз ҳам менга ўхшаб отпускадамисиз?
— Йўқ, бюллетендаман.

**А.ҲАКИМОВ чизган сурат.**

### ҲИКМАТ

Тўғрилик учрамас
ҳечам балога,
Сарв қуриса ҳамки
ярар асога

«MALVIL» МЧЖ *саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*

АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12; 24V)

Ишлаб чиқарувчи: Италия (CEMONT).

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ

Ишлаб чиқарувчилар: Италия (CEMONT), Украина (SELMA).

КАФОЛАТ. ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.

700000, Тошкент ш., В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар.
Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.

2771

ТАШКИЛОТ

ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ТУХУМ РЕШЕТКАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЛИНИЯНИ СОТАДИ.

Телефонлар: 133-67-68, 136-37-63, 130-28-25.

4477

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Педиатрия мутахассислиги бўйича:

- докторантурага - 1;
- аспирантурага - 2;
- клиник ординатурага (неонатология) - 2.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги манзилга юборилиши керак:

700179, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, Талант тор кўчаси, 3-уй.

4496

«РАМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ТУХУМ РЕШЕТКАЛАРИ (ФИЛЕЙКА) ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

Телефонлар: 133-67-68, 136-37-63, 130-28-25.

4477-1

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи

«Лок колор синтез» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Кенг ассортиментдаги маҳсулотларни таклиф этади:

ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:

- Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
- Ташқи деворлар учун бўёқлар.
- Алкид эмаллари.
- Полларни бўяш учун эмаллар.
- Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
- Акрилат эмаллари.
- Грунтовка ва шпатлевкалар.
- L 80,100,120 мм.ли михлар.
- Эмульсия елими.
- Силикат елими.

САНОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:

- Универсал алкид бўёқлари.
- Универсал алкид лаклари.
- Алкид-уретан эмаллари.
- Акрилат эмаллари.
- Грунтовка ва шпатлевкалар.

Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741,1918094. Факс: (99871) 1917463.
E-mail: lokolor@online.ru.

4428

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ДУ-20мм, ДУ-25мм, ДУ-32мм, ДУ-50мм, Ф 76х3,5мм, Ф 102х3,5мм, диаметрли пўлат қувурларни ишлаб чиқаради ва сотади.

ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР!

Телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, факс: 144-38-18.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

«ПОЧТА МАРКАСИ» ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Танловни ўтказиш муддати 2001 йил 15 июлдан 15 августгача. Танловда иштирок этиш учун қуйидаги саволларга жавоб йўлланилиши лозим:

1. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи почта маркаси чиқарилган сана ва унда акс эттирилган мавзу.
2. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунига бағишлаб чиқарилган почта маркаларининг санаси ва сюжети.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун теннис бўйича халқаро мусобақаларга бағишлаб чиқарилган биринчи почта маркасининг санаси ва сюжети.

Ғолиблар қуйидаги миқдордаги қимматли совғалар билан тақдирланадилар:

биринчи соврин - 50000 сўм;
иккинчи соврин - 30000 сўм;
учинчи соврин - 20000 сўм.

Тўғри жавоблар солинган конвертлар 2001 йил 25 август соат 10.00да Тошкент почтамти биносининг операцион залида ўйналади.
Хатларни қуйидаги манзилга юборилишини сўраймиз:
Тошкент шаҳар, 700000, абонент қутиси «Почта маркаси» танловига.
Танлов якунлари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинади.

Мулоқот учун телефонлар: 133-91-50, 136-01-89.

4491

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази жамоаси марказ таркибидаги Аттестация бошқармасининг бош эксперти Неъматжон Муқимовга отаси

**Муқимжон МУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С. Жакбаровга отаси

**Аминжон ЖАКБАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Иқтисодиёт» муҳарририяти бош муҳаррири Ёқубжон Хўжамбердиевга акаси

**Турғунбой ХЎЖАМБЕРДИЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 21-ўрта мактаб жамоаси ўқитувчи Фариса Фармоновага волидаи муҳтарамаси

**МАЛИКАХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2615, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — А. САТТОРОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.15*
1 2 3 4 5 6